



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 3 июль, № 133 (7091)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2018 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 26 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисидаги Битим (Тошкент, 2018 йил 30 апрель) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 июль
№ ЎРҚ—477

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 20 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун фуқароларнинг соғлиғини чилим ва электрон сигареталар чекишининг зарарли таъсиридан, у билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқibatлардан муҳофаза қилишга, шунингдек жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришининг ташкилий ва ҳуқуқий шароитларини яратишга қаратилган.

2-модда. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Чилим

Чилим тамаки чекиш ёки таркибида тамаки бўлмаган чекиладиган қорیشмани (тутатқи қиёмни, тутатқи тошни) истеъмол қилиш учун фойдаланиладиган асбоб бўлиб, унда аэрозоль (буғ) ёки тутун суюқлик солинган идиш (чилим сувдони) орқали ўтади.

Чекиладиган қорیشма никотинсиз қорیشмадан, чекиладиган мевали аралашмадан, шунингдек уларнинг озиқ-овқат толалари асосида тамаки баргларини ҳамда бошқа таркибий қисмларни қўшмасдан ва қўлламасдан яратилган, таркибий қисмида келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари кирадиган ўхшаш турларидан иборатдир.

Тутатқи қиём глицерин, турли ўсимликларнинг экстрактлари, эриткичлар ва хушбўй моддалар асосидаги тамакисиз маҳсулотдир.

Тутатқи тош келиб чиқиши минерал асосга эга бўлган, хушбўй қиём шимдирилган, никотинсиз говаксимон маҳсулотдир.

4-модда. Электрон сигарета

Электрон сигарета никотинни ёки никотинсиз маҳсулотни етказиш воситаси сифатида фойдаланиладиган, нафас олиб ўтиш учун мўлжалланган аэрозоль (буғ) ҳосил қиладиган электрон мосламадир.

Одамнинг нафас олиш тизимига никотинни ёки никотинсиз маҳсулотни етказиб берувчи электрон тизимларнинг истеъмол хусусиятлари ва истеъмол қилиш усуллари электрон сигаретага ўхшаш бўлган бошқа турлари ҳам электрон сигаретага тенглаштирилади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ Тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддани кучайтириш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,07 барабар оширилсин.

2. 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 184 300 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 360 460 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 360 460 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 221 190 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўйилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдори мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги қорхо-

на ва ташкилотлар 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-5245-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2018 йилнинг 15 июлидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 июль

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ, ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ

Президентимиз томонидан 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлди. Юртбошимизнинг бу борадаги қатор Фармон ва қарорлари, давлат дастурлари асосида ёш авлоднинг баркамол ўсиб-ўлғайиши, жаҳон стандартлари асосида таълим-тарбия олиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, уларга уй-жой ажратиш, бандлигини таъминлаш, бадий диди ва маънавиятини бойитишга қаратилган тадбирлар, кўрик-танлов ҳамда фестиваллар мунтазам ўтказилаётир. Иқтидорли ёшлар турли давлат мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Республикамиздаги вазирлик ва идоралар, давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар ёшлар масалаларини юқоридан туриб ўрганиш эмас, аксинча, уларнинг ичига кириб боришга, муаммоларини ҳал этиб, гоё ва



ташаббусларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратишпти. Чунотчи, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида ташкил этилган Ёшлар муаммоларини

ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти бу вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Мазкур муассаса навқирон авлоднинг бахтли ҳаётига чанг солаётган масалаларни атрофли-

ча ўрганиб, таҳлил қилмоқда, уларнинг самарали ечимига доир услубий қўлланмалар, тегишли “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқяпти.

(Давоми 3-бетда).



«Хавфсиз пойтахт» концепцияси ҳаётга татбиқ этила бошланди



Шу йилнинг 1 июлидан Тошкент шаҳрида

“Хавфсиз пойтахт” концепцияси тажриба тариқасида амалиётга жорий этила бошланди. Концепция доирасида ички ишлар органлари ва Миллий гвардия куч воситалари, “Фидокор ёшлар” гуруҳи ва жамоатчилик вакиллари узлуксиз равишда биргаликда патруллик хизматини олиб боришмоқда.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПУЧОН УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Умумэтироф этилган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ олий маълумотли юқори малакали кадрларни тайёрлашни ташкил этиш, мамлакатнинг мактабгача таълим муассасаларида кўп йиллар давомида етишмай келаётган педагог ва тарбиячилар ўрнини тўлдириш, инновацион муҳитни шакллантириш, ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан узоқ муддатли муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Пучон университетининг (Корея Республикаси) **Тошкент шаҳрида Пучон университетини** (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф қабул қилинсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Пучон университети (Корея Республикаси):

ўқув бинолари, ўқув-лаборатория базаси, талабалар тураржойлари ва Университетнинг бошқа иншоотларини мебель, инвентарь, ўқув ва илмий жиҳозлар, ташкилий техника ва компьютерлар билан жиҳозлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлайди;

Университетнинг кутубхона фондини шакллантиришга ва уни замонавий ўқув, ўқув-методик ҳамда илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришга (шу жумладан, Пучон университетининг (Корея Республикаси) ресурслар базасидан фойдаланиш имкониятини яратган ҳолда), замонавий ахборот-ресурс маркази ташкил этилишига кўмаклашади;

ёш истиқболли маҳаллий илмий-педагог кадрларининг, шу жумладан, чет элда малака оширишига кўмаклашади.

3. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ мактабгача таълим, архитектура ва дизайн соҳасида, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

мактабгача таълим, архитектура ва дизайн тизимига, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларига замонавий таълим технологиялари асосида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш бўйича илғор хорижий тажрибани жорий этиш, очиқ ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришга кўмаклашиш;

мавжуд муаммолар ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда мактабгача таълим, архитектура ва дизайн соҳасида, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

республикада мактабгача таълим, архитектура ва дизайн тизимини, шунингдек, талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларини ривожлантиришга, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, бошқа қорхоналар ва ташкилотлар ўртасида мустақкам ўзаро ҳамкорлиқни ўрнатишга кўмаклашиш.

(Давоми 2-бетда).



ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҚОНУН ХАЛҚЧИЛЛИГИ СОҒЛОМ БАҲСГА АСОСЛАНАДИ

«Демократия қаердан бошланади — парламентдан бошланади... Чинакам баҳс-мунозара, принципиал тортишувлар аввало шу ерда — парламент минбарига бўлиши керак. Шундагина ҳар бир сиёсий партия, парламентдаги ҳар бир партия фракциясининг ҳақиқий қиёфаси ва позицияси аниқ намоён бўлади».

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар мамлакатда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллигини таъминлашга қаратилган қатор муҳим қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилиб, парламент қўйи палатаси муҳокамасига киритилган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Микромолиялаш тўғрисида”ги ҳамда “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам шулар жумласидандир.

Мазкур қонун лойиҳаси микромолиялаш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, микромолиялаш хизматлари бўйича тўловларни асоссиз равишда оширишга йўл қўймаслик бўйича меъёrlарни жорий қилишни кўзда тутади. Депутатлар қайд этганидек, ушбу қонун лойиҳаси айни пайтда одам-

(Давоми 3-бетда).



ҚОНУН ХАЛҚЧИЛИГИ СОҒЛОМ БАҲСГА АСОСЛАНАДИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, **Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси Илхом АБДУЛЛАЕВ** ушбу ҳужжат орқали миҳозларга қулайлик яратиш мақсадида қарз олиш билан боғлиқ бўлган маълумотларни аниқ ва ошқора тақдим этиш тизими жорий этилаётганини таъкидлаб, бунда банк операцияларининг очиклигини таъминлаш мақсадида тижорат ташкилотларининг расмий сайтларида хизматлар турлари ҳақида ўлиқ ахборот бериш шартларини ушбу қонун лойиҳасига киритиш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этди. Депутатнинг фикрига қўра, шаффофлик механизмини амалда жорий этиш керак.

— Худудларда бўлиб, оддий одамлар билан учрашганимизда, кредит масаласи бўйича ақсарият шартномалар фақат юридик шахсларга пул ўтказиш йўли билан амалга оширилаётганига ғувоҳ бўлдик, — дейди **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Абдурашид АБДУҚОДИРОВ**. — Масалан, ақсарият вилыотларда қорва моллари фақат пул ўтказиш йўли орқали сотиб олинган, яъни биронта мол нақд пулга сотилмаган. Айнан шу сабабли қорва моллари бозордагидан анча қиммат

нардха сотилиб, сунъий равишда нарх ошишига сабаб бўлган. Сир эмаски, бундай салбий ҳолат қорва молларини бўрдоқига бокиб, гўшт махсулотларини қўпайтиришга бел боғлаган ҳар қандай тадбиркорнинг иқтисодий самара қўриш эҳтимолини олдинданок пасайтириб юбориши табиий. Ушбу қонун лойиҳасида микрокредитларни жисмоний шахсларга ҳам татбиқ этиб, микроқарзларни нақд пулда бериш ёки миҳознинг пластик қарточкаларига ўтказиш назарда тутиладими ёки фақат юридик шахсларга пул ўтказиш орқали амалга ошириладими? Бунин, албатта, аниқ белгилаш лозим.

ЎзлДеП фракциясининг яна бир аъзоси Иброҳим ХОЖИЕВ ўзининг жойлардаги фаолиятидан келиб чикиб, туманларни ўрганиш жараёнида мақсадли кредитларни олишда талайгина муаммоларга дуч келинаётганини таъкидлади.

— Бир туманда 3-4 та тижорат банки фаолият қўрсатаётган бўлса, ҳокимликлар томонидан уларни маҳаллалар кесимида тақсимлаб, яъни банкнинг фақат қекланган маҳаллаларга хизмат қўрсатиши аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмокда, — дейди депутат. — Айтайлик, бир фуқаро банкдан кредит олса-ю, унинг ён маҳалласидаги фуқарога ўша банкдан кредит берилмай, турли баҳоналар рўқас қилинса, бунин адолатли, деб бўлмайди. Биттасига рұхсат бериб,

иккинчисидан нотариал тасдиқлаган ҳужжатлар, ортиқча суғурта ва қафолат хатлари талаб этилаётганига ғувоҳ бўлдик. Шу боис худудлардаги ақсарият тижорат банкларида 100 — 150 нафар муурожаатчининг ҳужжатлари тўпланиб қолмокда. Тўғри, тижорат банклари фаолиятига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин қонун-қоида барча жойда бирдек ижро этилиши шарт. Эртага ушбу қонун лойиҳаси микрокредит ва микроқарзлар беришда турли талқин ёки тушунмовчиликларни келтириб чиқармайдими? Шу нуқтаи назардан, мазкур қонун лойиҳасида муурожаатни ўз вақтида тўлиқ ҳал этмаган ёки қонунчилик доирасида ҳал этишга ҳаракат ҳам қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жазо қораларининг қўрилишини назарда тутсақ, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда халқимиз ҳам ишимиздан рози бўлади.

Қонунчилик палатасидаги муҳолиф фракция — Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Ёрмаат ХОЛИЯРОВ банклар фаолиятига тўхталиб, аслида тижорат банклари ҳаддан зиёд эҳтиёткорликка берилиб, “риск”, яъни таваққалчилик қилмаса, самара ва натижа бўлмаслигига эътибор қаратди. Унинг сўзларига қўра, “банкларнинг сифатли ва натижалли фаолият юритишини ўйлаш” даври келди. Бирок кредит масаласида банкларда 55 ёшдан ошган фуқароларга кредит бермаслик ҳақида ғалати бир талабнома бор экан. Бу ҳолат жойларда тижорат банклари масалаларни ўз регламенти билан ҳал этади, деганидир. Бу ўринда Марказий банкнинг ваколати қаерда қолди?

— Бугунги давр юртимизда тадбиркорлиқни ривожлантирадиқ, уларга имкон берайлик, оддий фуқароларни ишонтирайлик, инонтирайлик, деган қатъий талабларни кун тартибига қўймоқда, — дейди **Қонунчилик палатасидаги муҳолиф Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси**

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ. — Қисқа вақт ичида 10 та туманни ўргандик, асосий муаммолардан бири, ҳақиқатан, банкдан кредит олиш масаласи экан. Кредит масаласи қорғозда жуда қиرويли ёзилган, амалда эса бунинг ақсига дуч келдик. Натижада фуқаро, миҳозлар томонидан ҳокимият вакиллари ва депутатларга турли ўринли, ўринсиз эътироз ва саволлар билан муурожаат этиши қўпаймокда. Агар фуқаро учун оворақарчилик, сансалорлик, саргардончилик келтириб чиқарса, бугун бундай қонун умуман керакми, деган саволни беришимиз керак. Марказий банкнинг асосий функцияларидан бири — республикадаги банклар ишини, фаолиятини қонун доирасида мувофиқлаштириш. Шунинг учун келгуси ўқишларда Марказий банкнинг раҳбарияти билан бирга тижорат банклари раҳбарларини ҳам тақлиф этиш зарур.

Ушбу фракциянинг яна бир аъзоси Алия ЮНУСОВА давлатимиз раҳбари катта минбарларда, видеоселектор мажлисларида бир неча бор мазкур муаммони қўтариб, халқимизни ўйғотиб, бонг уриб, кенг жамоатчилик эътиборини қаратаётганини таъкидлади.

— Яқинда кузатилган бир воқеани мисол қилиб келтирсам, — дейди депутат. — Тошкент вилыотиядаги тадбиркор туризмини ривожлантириш мақсадида меҳмонхона қуриш учун банкка кредит сўраб муурожаат этган, лекин унга кредит берилмади. Ақсинча, муурожаатчининг ҳужжатларидан турли камчилик топиб, илоҳи борича унга сунъий тўсиқ қўйилмокда. Банклар ўз ишига виждонан ва сидқидилдан ёндашувни бошлаш вақти келди. Шу мавзу атрофида давра суҳбатларини ҳамкорликда ўтказиб, ушбу муаммога биргаликда ечим топишимиз керак. Бизга бу муаммони четдан келиб, ҳеч ким ҳал этиб бермайди. Бир-биримизни эшитиш ва тушуниш керак, деб ўйлайман. Бу борада тижорат банкларини ҳам тушуниш керак. Айрим банклар, берган кредитини миҳозларидан ўз вақтида

қайтаролмай овора бўлишмокда. Бундай ҳолатларни ҳам инобатга олайлик.

Баҳс-мунозарада иштирок этган **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари Шухрат АТАБАЕВ** ушбу қонун лойиҳаси муҳокамаси жуда мазмунли мунозара тарзида ўтганини қайд этиб ўтди.

— Бу бизга ўз фаолиятимизни танқидий ўрганиб, уни реал баҳолаш имконини берди, — дейди Марказий банк раиси ўринбосари. — Тўғри, ҳозирда ушбу соҳада туб ислохотлар амалга оширилиб, муайян ишлар қилинди. Масалан, 2018 йилдан бошлаб Марказий банкда Банк истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати ташкил этилди. Депутатлар томонидан қўтарилган масала ва эътирозлар ўринли. Хусусан, жойларда банкларнинг туман филиаллари кимга, қандай кредит бериши ҳокимият томонидан тақсимланганлиги нотўғри эканини қайд этмокчиман. Зеро, банк — мустақил тижорат ташкилоти.

Ҳақиқатан ҳам, айрим тижорат банкларида ҳаддан зиёд ортиқча ҳужжатларни талаб қилиб, миҳозларнинг овора бўлишига сабаб бўлингани ойдинлашмокда. Масалан, “Агробанк” фаолияти ўрганилганда, унда Марказий банк томонидан белгиланган ҳужжатлардан ҳам қўпроғи талаб қилингани аниқланди. Шу боис соҳадаги айрим муаммоларни ҳал этиш учун мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга қўра, микрокредитларни жисмоний шахсларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда юз фоиз нақд пулда берилиши ёки уларнинг пластик қарточкаларига ўтказишнинг албатта назарда тутилади. Содда қилиб айтганда, худудлардаги тижорат банкларига микрокредит ақратиш, аҳолига банк хизматларидан фойдаланиш имконини бериш ва уларнинг ваколатини кенгайтириш қўзда тутилган. Бунда микроқарз олган миҳоз манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда олинаётган қарз суммаси аввал олинган сумманинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги, яъни қарз олган фуқаро банкдан яна ҳам қўпроқ қарздор бўлмаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, банклар орасида фақат соғлом рақобатни шакллантириш ва ривожлантириш орқалигина қўзланган эзгу мақсадга эришишимиз мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик.

Зиёда АШУРОВА
ёзиб олди.

«Хавфсиз пойтахт» концепцияси ҳаётга татбиқ этила бошланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг 2018 йил 19 июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самардорлигини ошириш бўйича қўшимча қорва-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, татбиқ этилаётган ушбу тизимнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти аслида нималардан иборат?

Бугун пойтахтимизда 2 ярим миллион нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Қолаверса, ҳар кунини шаҳримизга турли юмуш билан вилыотлардан минглаб одамлар, шунингдек, узоқ ва яқин хориждан сайёҳлар келиб-кетди. “Хавфсиз пойтахт” концепцияси, аввало, кечки ва тунги пайтда жамоат тартибини сақлаш, шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонлари хавфсизлигини таъминлаш, худуддаги ҳуқуқбузарликларни қамайтириш ва уларнинг олдини олишга қаратилгани билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Айни пайтда ички ишларнинг пидё ва автомобилдаги патруль-пост, йўл-патруль ва қўриқлаш хизмати гуруҳлари ҳамда Миллий гвардия ходимларининг уч сме-нали патруллаш хизмати фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг ишини янги ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан мувофиқлаштирилиб, штабда узлуқсиз назорат қилиб борилаётир.

Келиб тушадиган ҳар бир маълумот тегишлилиги бўйича соҳа ходимлари томонидан тезкор қўриб чиқилиб, ижрога йўналтириляпти. Штаб ва ички ишлар бўлимлари ўртасидаги онлайн мулоқот вазиятдан ўз вақтида хабардор бўлиш имконини бермокда. Ўз навбатида, тунги сменада хизматни ўтаётган ходимлар учун зарур шарт-шароитлар ҳам яратилган.

Тошкент шаҳри бўйича умумий сони 80 тага етказилиши режалаштирилаётган ҳаракатланувчи мобил марказалар аҳоли гавжум ҳамда қриминал аҳоли худудларда хизмат қўрсатади. Қузатув камералари, ЖПС қурилмалари ва бошқа алоқа воситалари билан жиҳозланган смарт автобуслар, лозим бўлганда, штаб вазифасини ҳам ўташи мумкин. Жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек, ичмам, лекин қўп қиррали патруль-пост хизмати мақсатларининг самарасини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

— Бундай масканлар аҳоли гавжум жойларда ташкил этилиб, улар рация, монитор экран, телефон каби барча зарур асбоб-ускуна билан таъминланган, — дейди ППХ бригадаси 3-батальон ходими Хожиакбар Қудратиллаев. — Ходимлар махсус мотоскутер воситасига эга. Бу эса туну кун воқеалардан оғоҳ бўлиш, аҳолининг ариза ва шикоятларига ўз вақтида муносабат билдириш, камералар орқали ҳолатни кузатиб бориш, худудни айланиш, ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишда катта ёрдам беради. Эътиборлиси, бу ердаги электр воситалари қўёш батареяси орқали қувват олади.

Тошкентнинг Сайилгоҳ ва бошқа қўчаларига жойлаштирилган патруль-пост хизмати масканлари айни пайтда хорижлик сайёҳлар учун қўмакчи вазифасини ўтаётир. Бу ерда фаолият олиб борадиган ички ишлар ходимлари камида иккита чет тилини ўзлаштирган бўлишлари шарт.

Олмазор туманидаги 2-сон ички ишлар бўлими. Намунавий тилда бунёд этилган ушбу замонавий бўлимга тумандаги Шифокорлар, Жийдали, Хислат, Беруний, Мирза Голиб, Чигатой Оқтепа каби маҳаллалар бириктирилган. Худуддаги жамоат тартибини сақлаш мақсадида 500 га яқин қузатув камералари ўрнатилган.

“Хавфсиз пойтахт” концепцияси доирасида амалга оширилаётган ишлар Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлиб ўтган йилишда ҳам муҳокама қилинди. Президент қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ҳар бир бўғиннинг тайёргарлик даражаси ҳақида ахборот берилди.

Хулоса ўрнида айтганда, аҳолининг бахтиёрлик даражаси, биринчи ғалда, ўша худудда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик билан ўлчанади. Демак, юрт осойишта бўлсагина, халқ бахтли умр кечиради. Татбиқ этилаётган “Хавфсиз пойтахт” концепцияси ана шу жиҳатларга ҳамоҳанг эканлиги билан янада аҳамиятлйдир.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

КЕЛАЖАГИМИЗ ЭҒАЛАРИ, ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида фаолият йўлга қўйилган Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам қўрсатиш маркази эртаимиз эғаларининг катта ҳаётга дадил қадамлар ташлаши учун зарур йўл-йўриқ ҳамда қўрсат-

малар бериш, муаммоларни енгиб ўтишда уларнинг иродасини тоблаш, ҳаётий позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини шу ўринда айтиб ўтиш жоиз. Турли йўналишлар бўйича фаолият юритаётган яна қўлаб ёшлар уюмалари ҳам шу каби масалаларни ҳал этиш билан шуғуullanмокда.



Ҳосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Маҳалла обод бўлса, одамлар рози бўлади...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Олмазор туманида бўлганида худудда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан таниди, умуман, туман аҳолиси ҳаётини яхшилаш билан боғлиқ бирон масалани эътибордан четда қолдирмади. Ҳозирги пайтда ушбу ғоя ва тақлифлар олмазорликлар, жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари томонидан қўқур ўрганилиб, тегишли ҳулосалар чиқарилмокда.

Муносабат

Сарвар РЕЖАБОВЕ, “Орзу” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалла қачон обод бўлади? Албатта, газ, сув, электр энергияси билан доимий таъминланса, ички йўллар раvon бўлса, мактаб, боғча, поликлиника, спорт мажмуалари, кутубхона ва бошқа зарур масканлар қурилса, йўл бўйлари қўқаламзорлаштирилса, худуд чин маънода қўқамлик қасб этади. Мухими, бундай муҳитда фарзандларимиз ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб ўлғаяди. Одамлар қўлай турмуш шароитидан баҳра олади. Биз ҳам худудда бир қатор ишларни бошлаб қўйганмиз. Маҳалла гузарни қурилишини жадал олиб боряймиз. Икки қаватли ушбу бинада йиғин раиси, котиби ва маслаҳатчиси ҳамда профилактика инспектори учун хизмат хоналари ўрин олади. Албатта, бу бизга янги имкониятлар эшигини очади. Зеро, қатор муаммолар ечим кутиб турибди. Масалан, яна битта болалар спорт майдони қуриш ниятимиз бор. Бу ҳақда туман мутасаддиларига тақлифимизни айтдик. Қолаверса, бу ташаббусимизни қўлайдиган тадбиркорлар ҳам топилди. Булардан қўзланган мақсад —

маҳалламизда қўлай шароит яратиш орқали одамларни рози қилишдан иборат.

Собир СОДИҚОВ, Ҳофиз Қўҳақий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Беш қўл баробар эмас. Демократизми, биров ўзига тўқ бўлса, бошқаси ҳаётда бир оз қўйналган. Ҳаётда ҳамма бахтли бўлишга ҳақли. Кам таъминланган оилалар вакиллари, ногиронлиги бўлган ёки уларга қарайдиган инсонларнинг уй-жой шароитини яхшилаш асосий вазифаларимиздан. Бунини анча вақт эсдан чиқардик чоғи. Аниқроғи, биз бунга ўз вақтида эътибор қаратамбиз. Давлатимиз раҳбари фикрларини тинглаш асосида бу ишимиздан хижолат бўлдиқ, таъбир жоиз бўлса, ғафлат уйқусидан уйғондик. Кечадан бошлаб фуқаролар билан келишиб, ана шундай маҳалладошларимиз рўйхатини шакллантиришга киришдик. Уни туман раҳбарларига етказамиз. Тез орада улар ҳам ўз уйига эга бўлади. Натижада бу иш бошида турган инсонлардан миннатдор бўлиб, Ватанимиз равнақи йўлида янада катта куч ва садоқат билан меҳнат қиладиқлар. Бу эса, шубҳасиз, юртимиз равнақида муҳим омиллардан биридир.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
ёзиб олди.

Тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт йўлида халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланади

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Марказий Осиёда яхши қўшничилик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва конструктив ҳамкорлик муҳитини барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада барчани фаолликка қачирган эди. Натижалар қўп куттирмади.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Бугун сессияда илгари сурилган ана шундай ташаббус ҳамда Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган изчил ташқи сийбат дунё мекиссида кенг эътирофини топомқда.

Қуни кеча БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш” резолюцияси ана шундан далолат беради.

Ўзбекистон ташаббуси билан минтақадаги қўшни давлатлар ҳамкорлигидеги ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат халқлар ўртасида тотувлик ҳамда муштарак мақсадларга эришишни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ташқи сийбатнинг мантйик давоми бўлди, дейиш мумкин. Эътиборлиси, ушбу резолюцияни дунёдаги 55 давлат вакиллари бир овоздан қўлаб-қувватлади. Унинг лойиҳасини тайёрлашда Россия, Хитой, АҚШ ва Европа иттифоқидеги етакчи давлатлар фаол қатнашди. Зеро, бундай ҳамкорлик Марказий Осиёда дунёнинг етакчи давлатлари ўртасида манфаатлар рақобатидан қўра, самарали ҳамкорлик муҳити устун эканидан далолатдир.

Резолюция муқаддимасида бу борадаги фаолият аниқ мисоллар билан бирма-бир тилга олинган. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан 2017 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ағона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзудаги халқаро конференция натижаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки айнан мазкур халқаро анжуман минтақа давлатларининг бу борадаги амалий ишлари асосий йўналиш ҳамда мезонларини белгилаб берди.

Шунингдек, ҳужжатда хавфсизлик ва тараққиёт соҳаларида худудий ҳамда халқаро ташаббусларни қўлаб-қувватлаш бош мезонга айлангани қайд этилган. Чунки фақатгина шу йўл билан, яъни минтақавий ва халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда ўзаро мувофиқлаштириш орқалигина барқарор тараққиётга эришиш мумкин.

Қолаверса, ҳужжатда қўшни давлатларнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатларига ҳам урғу берилган. Жорий йил март ойида Тош-

кент шаҳрида бўлиб ўтган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзудаги Афғонистон бўйича конференциянинг аҳамияти алоҳида қайд этилган. Бу принципиал жиҳатдан тўғри ёндашув ҳисобланади.

Зеро, Афғонистондаги низони ҳал қилмасдан туриб, Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ҳамда юксак тараққиқ топган минтақага айлантириш мумкин эмас. Чунки афғон замини тарихий ва геосийсий жиҳатдан Марказий Осиёнинг ажралмас бўлағидир. Унинг тинчлиги нафақат афғон халқи, балки бутун Марказий Осиё минтақасида барқарор тараққиётнинг муҳим омилли саналади.

Резолюцияда, шунингдек, халқлар келажак тақдирига дахлдор муҳим масалалар тилга олинган. Жумладан, сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш, Орол денгизи ҳалокатининг асосатларини юмшатиш, минтақада транспорт-логистика инфрақузиламсини барпо этиш, фан, таълим, маданият ҳамда туризм соҳаларида қўп томонлама ҳамкорлиқни янада фаоллаштириш, мамлакатларнинг инновацион тараққиётини қўлаб-қувватлаш масалаларига ҳам кенг эътибор қаратилган.

Айтиш жоизки, бу ҳақда кеча қўмитамиз томонидан ташкил этилган “Марказий Осиёда минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва роли” мавзусидаги давра суҳбатидеги ҳам алоҳида таъкидланди.

Қўсқача айтганда, БМТга аъзо давлатлар томонидан яқдиллик билан қўлаб-қувватланган ушбу муҳим резолюциянинг қабул қилиниши, аввало, Ўзбекистон дипломатиясининг катта ютуғидир. Бош Ассамблеянинг мазкур резолюцияси турли мамлакатларни айнан Марказий Осиёда ўзаро ҳамкорлик йўлида жиқслаштирувчи, уларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларига асос солувчи тарихий ҳужжат ҳамдир. Ушбу келишув келгусида давлатларо ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, пировардига минтақа аҳолисининг бахту озадоти ва фаровонлиги йўлида кенг имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Қодир ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси.

Қисқа сатрларда

● Хоразмда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича Пахлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган биринчи халқаро турнир уюштирилди. 260 нафар полвон гиламга чиққан мазкур мусобақанинг ғолиби ва совриндорлари якунда Ўзбекистон Республикаси Президентиининг соврини ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

● Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Ўзбекистонда онкологик хизматнинг ҳолати: онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлашнинг самарали тизимини яратиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор усулларини жорий этиш, замонавий диагностика ва даволаш аппаратлари билан таъминлаш ҳолати ва истиқболи” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда онкология хизматининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболдаги вазифалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

● Республика болалар кутубхонасида “XXI асрда болалар китобхонлиги: муаммо ва вазифалар” мавзусида конференция ўтказилди. Болаларда китобхонлик маданиятини шакллантиришга бағишланган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилыотлар ҳамда Тошкент шаҳридаги кутубхоналар, мактабдаги ахборот-ресурс марказлари мутахассислари қатнашди.

● Марғилон шаҳридаги ижодкорлар боғида “Ўзбекистонда ёшлар тарбияси ва маънавий-маърифий ишлар натижадорлиги: муаммо ва ечимлар” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдирини ҳамда келажак учун дахлдорлик туйғусини юксалтириш, ёт ғояларга қарши мафкурвий имунитетини мустаҳкамлаш, соғлом дунёқараш, жумладан, муталаа қўниқмасини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ДЎСТЛИКНИ ҚАДРЛАШ — УЛКАН ИБРАТ

Азал-азалдан туркий халқлар бир дарёдан сув ичиб, ахил-иноқ яшаган. Бугун урф-одат ва анъаналари яқин халқларнинг ўзаро муносабатлари янада эъзозланаётганлиги барчамизни қувонтирмоқда. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори икки халқ учун улкан воқеа бўлди.



ЭХТИРОМ

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган, қозоқ халқининг машҳур шоири Абай Қўнонбоев қозоқлар учун қанчалик қадрли бўлса, Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбеклар учун ҳам шунчалик яқиндир. Атоқли шоир Шарқий Қозоғистон (аввалги Семипалатинск) вилоятига қарашли Чингизтоғ этакларида жойлашган Қашқа булоқ масканида 1845 йилда Қўнонбой оиласида дунёга келган. Абайнинг асл исми — Иброҳим бўлиб, уни онаси Улжон ҳамда буvisи Зера момо эркалиб “Абай” деб атаган. (Абай сўзи — “авайла”, “абайла”, “эҳтиёт бўл” деган маънони англатади). Кейинчалик шоир халқ орасида Абай номи билан машҳур бўлиб кетади.

Ун ёшига қадар ота-онаси тарбиясида бўлган бўлажак шоир бошланғич маълумоти ўз овулидаги Ғабитхон мулладан олади. Илк саводини чиқаргач, Шарқий Қозоғистондаги мадрасага ўқишга боради. Ўқиш даврининг сўнгги йилларида шаҳарда очилган рус мактабиде ўқиб, рус тилини ҳам ўрганишга интилади.

Абай мадрасада ўқиб юрган чоғидаёқ, араб, форс, эски ўзбек тилида ёзилган эртақ, афсона ва асотирлар, қисса ва дostonларни севиб мутолаа қилади. Шарқнинг буюк алломалари Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий

Шерозий, Алишер Навоий, Ғузулий сингари мумтоз адабиёт вакиллари ижодидан баҳраманд бўлиб, уларни ўзига устоз, деб билади. Бу ҳақда у шундай сатрларни ёзган:

**Ғузулий, Шамсий,
Сайқалий,
Навоий, Саъдий,
Фирдавсий,
Хўжа Ҳофиз —
Сиз ҳаммангиз,
Мадад беринг,
қилманг осий!**

Тарихий манбаларда ёзилишича, Абай 10 ёшидан бошлаб шеърини машқлар қилган ва унинг мисралари халқ орасида тезда оммалашган. Аммо айрим шеърлари Қўқбой Жонтой ўғли ҳамда Шоди тўра Жангиров номи билан бирмунча ўзгаришлар киритилган ҳолда чоп этилганлигини ҳисобга олмаганда, тириклик чоғида деярли шеърлари ўз номидан эълон қилинмаган.

Шоирнинг шеърлари илк бор тўплам ҳолида 1909 йили, яъни Абай вафотидан 5 йил ўтгач, Кахитой Искоқ ўғли томонидан Петербургда чоп этилади. Иккинчи тўплами эса 1916 йили Самат Нуржанов томонидан Оренбургда, 1922 йили Тошкент ва Қозон шаҳарларида дунё юзини кўради.

Шоир ижодига назар солсак, мисралар ёшлик туйғу-

лари билан йўғрилган шунчаки гаплар эмас, балки улғу Шарқ классикарига нисбатан ҳурмат ва эҳтиромининг ёрқин ифодасидир. Шунинг учун ҳам академик Мухтор Аvezов: “XIX асрдаги қозоқ адабиётининг Абай, Шангерей, Шоди тўра Жангиров, Шуртанбой Қанай ўғли, Ақан Сери каби йирик намоёндалари ижодида Алишер Навоий ғазаллари ва дostonларининг таъсирини кўра-миз”, — дейди ва “... унга (Абайга) тиллари тушунарли бўлганлигидан Навоий, Ғузулий асарлари кўпроқ таъсир этган. Айниқса, Абай Алишер Навоийни энг яқин устоз деб билади ва унинг асарларидан илҳом олади”, деганида бутунлай ҳақ эди.

Абай Қўнонбоев ижодий фаолиятини ўрганиш жараёнида унинг нафақат шоир, балки давлат арбоби бўлганлигини ҳам кўра-миз. Манбаларда келтирилишича, энди-гина 13 ёшга кирган Абайни

Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисидаги Президентимиз қарорини ўқиб, ушбу тарихий ҳужжат ўзбекларнинг қардош қозоқ халқининг буюк фарзандига бўлган ҳурмати рамзи эканидан гурурга тўлдик. Зеро, икки халқ тарихида дўстлик қудратидан мамлакатларимиз янада обод бўладиган анги давр бошланди. Ушбу тарих эса Шавкат Мирзиёев томонидан улуғларимизни улуғлашдан бошлангани янада эътиборлидир.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
адабиётшунос олим.

«Ўзтрансгаз» АЖнинг «Фарғонагаз» филиали

қуйидаги хизматлар бўйича
тижорат таклифлари қабул қилади:

«Водийгазтаъминот» УК учун ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар, яъни РЭЧТ (рухсат этилган чегаравий ташламалар), РЭЧЧ (рухсат этилган чегаравий чикиндилар), СМФР (сувдан махсус фойдаланиш рухсатнома)лари 2018 йилда амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли ушбу меъёрий ҳужжатларни «Фарғонагаз» филиалига қайтадан ишлаб чиқиш учун мазкур фаолият тури билан шуғулланувчи тегишли корхоналарнинг тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб беш кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
Фарғона шаҳри,
Бурхониддин Марғиновий кўчаси, 76-уй.
Телефон: (+99873) 229-04-36.

«Ўзтрансгаз» АЖнинг «Фарғонагаз» филиали

қуйидаги харидлар бўйича тижорат
таклифлари қабул қилади:

Фарғона вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали 2018-2019 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини сифатли ва муддатида бажарилишини таъминлаш учун ходимларга зарур иш шароитини яратиш мақсадида газ жихозларига хизмат кўрсатувчи чилангарлар ва газ тармоқларини назорат қилувчи чилангарлар учун эҳтиёт қисмлар, хом ашёлар, махсус асбоблар жамланмаси (ключлар) харид қилиш бўйича ушбу фаолият тури билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб беш кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
Фарғона шаҳри,
Бурхониддин Марғиновий кўчаси, 76-уй.
Телефон: (+99873) 229-04-36.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ

2018/2019 ўқув йили учун бакалавр таълим йўналишларига қабул эълон қилади.

- «Хореография» (турлари бўйича), ўқиш муддати — 4 йил.
 - «Касбий таълим» («Хореография педагогикаси») бўлими
 - «Хореография жамоалари раҳбари» бўлими
 - «Режиссёр-балетмейстер» бўлими
- «Санъатшунослик» (хореография соҳасида), ўқиш муддати — 4 йил
- Махсус сиртки бўлими. «Хореография» (турлари бўйича), ўқиш муддати — 3 йил.

Ҳужжатлар 2018 йил 15 июлгача қабул қилинади.

Абитуриентлардан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:

- ректор номига ариза;
- ўрта ёки ўрта махсус маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- 3,5 × 4,5 см. ҳажмдаги фотосурат — 8 дана;
- паспорт нусхаси;
- харбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат ва паспорт шахсан кўрсатилади.

Телефонлар: (0-371) 256-39-67, 256-37-06. Факс: (0-371) 256-24-36. www.mfxom.uz
Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 31-уй.

Метронинг «Космонавтлар» бекати, 140-автобус ва 67-йўналишли таксининг «Хореография олий мактаби» бекати.

Қабул комиссияси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонихона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.

Moody's
INVESTORS SERVICE

халқаро рейтинг агентлиги

O'ZMILLIYBANK

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият
миллий банкининг

кредит рейтингларини
ТАСДИҚЛАДИ.

Миллий валютадаги депозитлар рейтинги **B1**

Хорижий валютадаги депозитлар рейтинги **B2**

Рейтинглар прогнози: **«Барқарор»**

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРМАСИ

темир йўл устки қисмига қуйидаги материалларни сотиб олиш учун
танлов эълон қилади:

Т/р	Маҳсулот номи	ГОСТ, ОСТ, ТУ, чизма	Ўлчов бирлиги	Сони
1.	Болтлар (закладные болты)	ГОСТ 16017-2014	дона	1 608 825
2.	Қисқичли (клеммные) болтлар	ГОСТ 16016-2014	дона	1 663 999
3.	Гайка М 22	ГОСТ 16018-2014	дона	3 272 816
4.	Икки бурамали шайбалар	ГОСТ 21797-2014	дона	4 139 900
5.	Ясси шайбалар	ТУ	дона	1 688 485
6.	Темир йўл учун катта қайирма михлар (костыли путевые)	ГОСТ 5812-2014	дона	100 000
7.	Темир йўл учун шуруплар	ГОСТ 809-2014	дона	130 000
8.	Рельс таглиги учун резина қистирмалар (прокладка)	ТУ	дона	1 268 062
9.	Рельс ости резина қистирмалари	ТУ	дона	1 975 925
10.	Изоляцияловчи втулкалар	ТУ	дона	1 688 485
11.	Р-65 типдаги рельслар туташган жойи учун изоляция	ТУ	тўплам	16 000
12.	Р-50 типдаги рельслар туташган жойи учун изоляция	ТУ	тўплам	3 000
13.	Темир-бетон шпаллар	ГОСТ 10629-88	дона	264 319
14.	Темир-бетон бруслар	ТУ	тўплам	161
15.	25 — 60 мм. фракцияли темир йўл учун шағал	ГОСТ 7392-2014	м³	1 606 545
16.	5 — 25 мм. фракцияли темир йўл учун шағал	ГОСТ 7392-2014	м³	450 000
17.	Шағал-қум аралашмаси (шпс)	ГОСТ 25607-2009	м³	181 000
18.	Шпал қистирмалари БФ-70	ТУ	дона	70 000

Тижорат таклифлари раҳбар имзоси ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Батафсил маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (0-371) 237-97-89, 237-96-83, 238-87-87.

Танловда қатнашиш таклифлари ташкилотнинг бланкасида қуйидаги электрон почтага юборилиши мумкин: r@railway.uz

Малакавий танловда қатнашиш учун тижорат таклифлари муҳрланган конвертда почта ёки талабгорнинг ишончномага эга ваколатли вакили қуйидаги манзилга топширилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй.

**Танловда иштирок этиш учун ҳужжатларни қабул қилишнинг охириги муддати —
2018 йил 25 июль кuni соат 17.00.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15,
232-10-63.**
E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент молия институти ректорати ва касаба уюшмаси
Молиявий менежмент кафедраси катта ўқитувчиси
Омонулло Ҳамдамова онаси
Маҳбубахон ХОДЖАЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган кўл ёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг отказиб берилиши учун юбуриши расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор Жамшед Тоғоев томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаххих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.35 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6